

**“АЛИШЕР НАВОЙ
ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ
БАШАРИЯТ
МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ”
МАВЗУСИДАГИ**

**IV АНЬАНАВИЙ
ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

МУНДАРИЖА

Сүзбенин	3	Бахшито Актуров. "Мажони" ун-иифонес" асарларда туркотуй ташриф күсүсилүү	98
Кобиг Турсунов	4	Исакма Кадирова. "Царем бүлса үчүб көңөм"	98
Яшин Душанов	5	газалнинең киёсий таҳлили	98
Баходир Собиров	6	Муҳессар Ибротимова. "Фарход да Ширин" да дүрөз рамзлары	100
БИРИНЧИ ШҮЙБА: НАВОЙИ ИЖОДИЕТИ: ГОЯ ВА БАДНИЯТ ОЛАМИ			
Иброҳим Ҳаккул Даир, шаксяйт ва шөрьият	9	Dilnoza Rustamova. "Baboyc' ul-bidoya" devoniда түүнчилүү	103
Шуҳрат Сироғиддинов. Манбазарда Алишер		Fatihod Nizomov. "Sab' ai sayyor" da so'z qidrati	106
Навоийнинг хаёт бўйли хакида	15	Шахноза Норкулова. Навоий газалнинең кўз тимсопчи тақомлари балиниятига доир	108
Муслиҳиддин Мухиддинов. "Сабъян сайёр" достонида хомд ва наът	19		
Нурбой Жабборов. Алишер Навоий ижодида "маъни" тақкини ва "холи мисний" насфи	22		
Дилдором Салоҳий. Алишер Навоийнинг "солиха аёл" гөйвий-измий концепти хакида	32		
Нусратулло Жумахўжа. Навоий ва бозор маънавияти	35		
Котокбой Йўлдош. Терен түйгуларининг тенгсиз тасвири	37		
Almaz Ülvi Binovtova. Өлишir Navoainin "Şeyx Sənan" qissasi	42		
Ваҳоб Раҳмонов. Бир тарихий фожсага даҳлор газал	43		
Иқболов Адизова. Навоий маҳоратининг ноёб жилолари	45		
Олим Давлатов. "Гаройиб ус-сигар"даги "йигит"			
радиофон газаллар таҳлили	48		
Tohir Xo'jayev. Navoiy davri hayotini anglashga doir ba'zi muloҳazalar ("Navodir un-niboya" devoni asosida)	52		
Каромат Муллаҳўжаева. Алишер Навоий асарларидаги тасвири ва унга оид тимсолларининг бадний тақкини	55		
Абдулхамид Ҳолмуродов. Навоий асарларидаги илму ирфон гөяси	58		
Нигора Муродова. Алишер Навоий асарларидаги комил инсон тасвири	62		
Шоира Ахмедова. Алишер Навоийнинг хаётбахши юмори хусусида	64		
Буробия Ражабова. "Вакфия"да маҳдудот тақкини	67		
Зухра Мамадалиева. "Хайрат ул-аброр" достонида кўнтил таърифи ва салафлар мадхи	71		
Рустамжон Жабборов. Навоийнинг "Оккуюнли мұхлислар левони"даги бошқа манбазарда учрамайдиган байтларни хусусида	75		
Гулчехра Болтаева. Художественная ценность од Алишера Навои нафарси	78		
Одилжон Авазназаров. "Сабъян сайёр" достонида бадний туш ва сафар уйғунлиги	81		
Obidaxon Fayzullayeva. Alisher Navoiy qit'alarida obrazlilik	84		
Нигора Шарипова. "Хайрат ул-аброр"да кофия малоҳати	87		
Мунира Ҳудоёрова. Навоий китъаларидаги фано тақкини	91		
Бахшито Актуров. "Мажони" ун-иифонес" асарларда туркотуй ташриф күсүсилүү	98		
Исакма Кадирова. "Царем бүлса үчүб көңөм"	98		
газалнинең киёсий таҳлили	98		
Муҳессар Ибротимова. "Фарход да Ширин" да дүрөз рамзлары	100		
Dilnoza Rustamova. "Baboyc' ul-bidoya" devoniда түүнчилүү	103		
Fatihod Nizomov. "Sab' ai sayyor" da so'z qidrati	106		
Шахноза Норкулова. Навоий газалнинең кўз тимсопчи тақомлари балиниятига доир	108		
ИККИНЧИ ШҮЙБА: НАВОЙИ ИЖОДИНИНГ ТАСАВВУФИЙ-МАЪРИФИЙҚАТЛАМИ ВА МАТИШУНОСЛИК МАСАЛЛАЛАРИ			
Султонмурод Олимов. "Лисон ут-тайр" – муножотнома ва мөрөжинома	112		
Мухаммад Имомназаров. Мусулмон мийтака маданиятида легитимлик масаласининг Алишер Навоий ижодида ҳал юлиниши	114		
Akhlaque Ahmad 'Ahan'. Sufism and humanism in the poetry of Amir Ali Sher Nawai	118		
Рахматулла Баракаев. Шарқ мұмтоз әдабиетидеги пайғамбарлар тарихига оид асарлар	122		
Сайфиддин Рафиддинов. Навоий иймон хакида	128		
Ilhom G'aniyev. Rumiy va Navoiy ijodida jabar va qadar – falsafiy kategoriya sıfatıda	131		
Мақсад Асадов. Навоий лиркасида ишқ ва ошиқлик тақкини	135		
София Жумасова. Навоий шөрьиятида сир масаласи	138		
Насиба Бозорова. "Садди Искандарий"да нафс тарбияси ва адолат тақкинига доир баъзи мулоҳазалар	142		
Зиёда Гаффорова. Навоий "Хамса" сида ҳамд ва наътлар мутаносиблиги	147		
Сирдарёхон Ўтанаева. Турли ижтимоий қатлам ахлоқи-да ранг ҳакикатлари (Алишер Навоийнинг "Махбуб ул-кулуб" асари мисолида)	148		
Зулайҳо Раҳмонова. Навоий асарларидаги муршид образы	154		
Алишер Рассоқов, Умаржон Ҳимматов. Алишер Навоий ижодида тасаввуфий образлар генезиси	157		
Фаррухбек Олим. Фазилатлар соҳиби – Саййид Ҳасан	161		
Ҳаёт Латипов, Чаросхон Сайдова. Ошиқ ва ориф тимсоллари тасвири Навоий тақкинида	164		
Отабек Жўрабоев. Алишер Навоий девонининг бир нодир кўлэзмаси хусусида	168		
Маъмурда Рашидова. "Наводир ун-ниҳоя" девонининг уч кўлэзма нусхаси ва уларнинг киёсий таҳлили	170		
Шаходат Каромова. Навоий асарлари кўлэзмасининг матнини тақкини хакида	172		
Ойсара Мадалиева. Навоий "терма девон"ларининг			

5. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тұпламы. 20 жылданынк. 15жыл. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. – Тошкент: Фай, 1999. – 236 б.

НАВОЙ ТАЛҚИНИДА ОШИҚ ВА ОРИФЛАР ТАВСИФИ

Ҳаёт ЛАТИПОВ,
филология файлары бүйіча фалсафа доктори (*PhD*),
Чаросхон САЙДОВА, талаба,
Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)

Annotation: This article is devoted to the interpretation of divix enlightenment, which is contained in some sufi term of Alisher Navoi, as well as the character of higher humanity. This article also explores the general and privet qualities of divine love based on exact sources.

Key words: term, Sufism, enlightenment, perfect person, orif, belover, orif oshiq (a man who understands the world by heart).

Бутун инсон ахлиға меҳр-мухаббат билан чин дилдан хизмат килиш, садоқат ва мархамат күрсатыш – тасаввуф таълимотининг асл мөньятини ташкил этади. Зоро, йирик мутассавиғ олим – Иброҳим Ҳаққул таъқидлаганидек, “Тасаввуфнинг бир қаноти ишқ бўлса, бир қаноти маърифат, бир водийси химмат, жавонмардлик бўлса, бошқаси изтироб, дардкашлик ва шафқатдир” [Иброҳим Ҳаққул. Шахсият ва шеърият. 2014, сахифа – 8.].

Ишқ – кўнгил бериш, жондан севиш. мутассавиғлар истилоҳида Ҳақнинг зуҳурига сабаб бўладиган дастлабки сифат [Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. 1952, сахифа – 47.]. Маъно ахли ишқка яна қуйидаги каби таърифлар берганлар: “Ишқ майли муфріт бўлиб, ошиқ ва маъшукларнинг иштиқоқи ундандир. Ишқ – улфатдошлиқ ва дўстга муштоқлик маъноларида ҳам келади. Ишқ “ашақа” сўзининг ўзагидан ясалган бўлиб, бу сўз бир гиёҳ номини атайди. Ашақа шундай гиёҳки, у атрофидаги ўсимликларга ўралиб олиб, уларнинг танасидаги сувни сўриб олади ва рангини саргайтиради ҳамда муддатидан олдин ковжиратиб қутилади. Ишқ ҳам ошиқнинг рангини сарик айлаб, дунё ахлидан айиради ва дунёвий кизиқишилардан мосуво қилади... “Ишқ” дегани бир оташдурки, у қалбда пайдо бўлади ва маҳбубининг вужудини қутиради. Ишқ балойи дарё ва жунуни илоҳий бўлиб, киёми қалб ва маъшуқа орасида бир воситадир”. [Сайд Жаъфар Сажжодий. “Мусталахоти урафо ва мутасаввуф”. Ҳижрий-1339, сахифа -275-276; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 2004, сахифа -224-225.] Орифлар бутунлай жидду жаҳд ва талаб килиб, илоҳий жалол ва жамолга ошуфта бўлганни эса “oshiq”, – деб атаганлар[Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. 1952, сахифа -65.].

Алишер Навоий ҳам қуйидаги каби мисраларда ишқни – комилликнинг энг олий чўққиси, порлок нур манбай ва мухташам пойдевори деб талқин этган:

Бўйласа ишқ – иккى жаҳон бўлмасун,
Иккى жаҳон демаки, жон бўлмасун
Ишқсиз ул танки, аниң жони йўқ.
Хуснни нетсун кишиким, они йўқ..
Ишқ эрур дурру кўнггу дурж анга,
Балки қўёш ишқу кўнгут бурж анга [Алишер Навоий. МАТ. 1991, сахифа -179.].

Дарҳақиқат, мантисий инкорлар ила уқтирилаётганидек, комилликнинг дахлсиз шарти ва туб максади – инсоннинг ишқ ўтида тобланиш давомида ошиқликдан орифликка юксалиб – ориф

ошикка айланиб, илохий маърифатнинг асл мөнгиятига қай даражада ета олганлигидадир. Яъни Навоийнинг таъкидлашича, ошик дард, изтироб ва ғамга дучор бўлиш билан бирга ишқ ўтида ёнса ва ёлкинли кўнгилни пайдо қила олса, орифлар каби камолот сари одимлай бошлайди. Чунончи, Шайх Жалолиддин Румийнинг машхур “Маснавий”сида ҳам “Рўзҳо бо сўзиҳо ҳамроҳ шуд” – “Кунлар ёнишлар билан ҳамро бўлди”, дея бежизга айтилмагандир. Бунга алоҳида эътибор каратаётганимизнинг муҳим жиҳати бор. Бу ҳам бўлса “ишқи жону ҳаҳонсўз коғир нағсни мусулмон, ёки ҳар қандай саркаш ва телба ошикни ориф эта олиши”га шоирнинг беҳад ишонганигидир. Балки, шунинг учун ҳам Навоий қўйидаги каби сатрларда ишқ олови машъаласидан завкланиб, “Жононайи Жонажонга бир қадам якнилашмок умидида, агар мумкин бўлса, жонни минг марта курбон қилмок – жисму жонга Хизрнинг безавол умридай умр тиламоқдан юз чандон устундир”, - деган фикрни илгари сургандир:

Юз Ҳизр умридин ортикроқдурур, минг жон бериб.

Бир қадам қўймоқ муссар гар бўлур Жонон сари[Алишер Навоий. МАТ. 1987, сахифа -571.].

Шайх Мухийиддин Ибн Арабий, Абу Жуллоб Ҳужвирий, Абдулкарим Кушайрий, Ибн Сино, Имом Ал Бухорий, Имом Ғаззолий, Ахмад Яссавий, Абдухолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Маҳмуд Шабустарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Вали Ахрор ва Абдураҳмон Жомий каби Шаркнинг буюк мутасаввиф алломалари асарларида кузатилганидек, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг ижодиётида ҳам Оллоҳ таоло яратган барча борликлар орасида энг шарафлиси ҳамда энг улуғи Иносон бўлиб, унинг камолига ҳамма нарса, ҳатто акл ҳам хайрондир[Иброҳим Ҳакқул. Сўздаги ўзлик. 2013, сахифа – 34.], – деган фикрлар кайта-кайта таъкидланади. Бундан кўзланган бош мақсад – одамларни турли истак-ҳоҳишлил сабаб инсоний фазилат ва одоб-ахлоқ чегарасидан чикмай яшашга кўнигириш ҳамда ҳушёр фаросату сабр-қаноат билан ҳар қандай эҳтиёж, мақсад, майлларни азалий Моҳиятга мувоғиклаштириш бўлган. Ёхуд, айтиш мумкинки, “калб” деб аталмиш олам осмонида ишқу маърифат завки ва сидку шижаот чакмогининг курби билан мухабbat қўёшини кашф этиш орқали ундан маккор амморанинг кора булатларини даф этиш. Шу билан бирга тарбиялаш натижасида инсоният нағсини ёруғликка олиб чикиш ва зулмат ҷоҳига тортадиган тубан хислатлардан ҳолос этиб бориш орқали уни лаввома, мутмаина, мулҳамина, розия, софия, комила сингари мартабаларга юксалтириб туришдир десак, ҳатто бўлмас. Зоро, дунёда биргина инсон хилкатига эркин ва онгли тарзда яшаш имкони берилган бўлиб, асл муддао – ҳар бир кишининг ишқ ва маърифат завки билан ўзлигини кашф эта олиши туфайли комиллик саодати ёхуд файзи нашъидасидан насибадор бўлишига эришмоқдир.

Демак, одамнинг ҳайтидаги бош мақсади комилликка эришмоқдир. Орифлик эса комилликнинг энг олий макомларидан бири эрур. Азалдан инсониятга бошка етук макомлар катори ушбу олий макомда ҳам юксалиш имконияти берилган. Ҳар бир киши ишқу мухабbat ва сидку садоқат билан риёзатлар чекиб, илму маърифатни тўла эгаллашга мунтазам интилиб бориши туфайли ушбу имкониятни кўлга киритиши мумкинdir.

Жомий “Нафаҳот ул-унс”да ёзишича, сўфийларнинг раиси – Зунун Мисрий биринчи бўлиб тасаввуф ҳакида сўз юритган ва таълимотда маърифат тушунчасини жорий этган экан. Унинг фикрларига кўра маърифатга эришмоқчи бўлган солик карпсисида икки йўл туради. Биринчиси – гуноҳ амалларидан сақланмоқ, дунёвий орзу-ҳавасни тарқ этмок ва ўз нағсига ҳоким бўлмоқ. Иккинчиси эса ҳамма нарсадан тамоман юз ўғириб, дунё уй-ҳаёлидан ўзини бутунлай озод этмоқдир. Шайх Зунун Мисрий илм ва маърифат тушунчалари ҳакида кенг мушоҳдалар юритиб, уларнинг даражаси ҳамда фарқини бизнингча қўйидаги тарзда тушунтириб беришга ҳаракат қилган:

Маърифатни маъни ахли “ирфон” деб аташган ва уни Аллоҳнинг эҳсони санаб, илмга нисбатан имтиёзи юкори деб билишган. “Маърифат” калимаси билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш ва билим маъноларида ҳам ишлатилади. “Ирфон” сўзи умумий маънода зохирий илмдан фарқли ўлароқ, бирор нарсани аник ва ҳар томонлама мукаммал билишни англатади [Абдулҳаким Шаръий

Жүзжоний. Тасаввуф ва нисон. 2001, сахифа – 10-11] Бундай билим кашф ва илхомга таянишини назарла тутадиган бұлсак, тасаввуфшынг амалий босқиңи санааттан тарикатдан мақсад мәрифат эканлиги айналашады[Хожа Ахмад Яссавий. Девони хикмат. 2006, сахифа – 37-47.].

Маъно ахли кашф ва илхом истилохларининг бағрилаги ирфоний моҳиятни бундай шархлаганлар: “Кашф – хис ва акл билан идрок этиш мумкин бўлмаган хақиқатларни калб кўзи ила кўриш; парла ортидаги гайбий хусусиятлар ва ҳакикий нарсаларни кўриб, уларни хис килиб, улар сиридан вокиф бўлмоқлиқ; илхом ва Аллоҳдан келган илм. Валилар кашф соҳибларирид. Тасаввуфда: кашфи назарий, кашфи нурний, кашфи илохий, кашфи маънавий, кашфи музаррад, кашфи мухайял, кашфи ҳавотир, кашфи замойир, кашфи аҳволи кубур ва кашфи аҳволи қулуб каби тушунчалар мавжуд. Илхом – илохий файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ёки ҳакиқатлар. Муҳаббат пардаларини йиртмок, сирларни кашф этмоқдир”, деган экан[Абдулкарим Кушайрий. Кушайрий рисоласи. 1991, сахифа – 22-25, 199-203, 502-523; Ибн Арабий. Маърифат китоби. 2008, сахифа – 181, 189. Сайд Жаъфар Сажжодий. “Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф”. Ҳижрий-1339, сахифа – 327-328; Алишер Навоий ТАТ, 2011, сахифа – 646; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий хаёт. 2004, сахифа – 223-225.].

Тасаввуф ва ирфон тушунчаларини баъзи бир олимлар бир хил маънода қўллаганлар. Буюк мутассавиф олим Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний бир мақоласида айни мавзуда фикр юритиб, ушбу масалага шундай ойдинлиқ киритади: “Баъзиларнинг фикрича, тасаввуф ирфоннинг бир бўлими ва унинг кўринишларидан биридир, яъни тасаввуф бир йўл-йўриқ ва тарикат сифатида ирфондағ ажralиб чиқкан. Ирфон эса умумийрок тушунча бўлиб, тасаввуфдан бошка йўл-йўриқ ва мазҳабларни ҳам ўз ичига олади. Унга биноан бир киши сўфий бўлиб, ориф бўлмаслиги мумкин. Ёки бир киши зоҳиран тасаввуф тарикатида туриб, ирфондан хеч қандай баҳра олмаслиги ҳам мумкин. Баъзан эса ориф сўзи сўфий ва дарвешга нисбатан юксакроқ маънода ҳам кўлланган. Баъзилар эса ирфон – тасаввуфнинг илмий ва зехний томони ва тасаввуф – ирфоннинг амалий томони леб билгандар”. [/”Мулокот”, 1995, №1-2, сахифа – 32.]

Абдулҳаким Жўзжоний яна мазкур маколасида “Хиндистон ва Юонда илми ирфон” масаласига тўхтапар экан, Хиндистонда ирфон ғояларини ифода этган ўнлаб фалсафий мазҳаблар борлиги ва шулардан “Вандатион” мазҳабини ирфон мазҳаби дейиш мумкин эканлигини билдиради ҳамда ушбу таълимот вакилларининг фалсафий қарашларини кўйидагича баён этади: “ориф дунёвий алоқалар ва моддий бөрганишлардан узилганидан кейин юксаклик даражасига кўтарилади, ўшанда орифнинг руҳи, куллий (умумий) руҳнинг ўзи бўлиб колади”. [/”Мулокот”, 1995, №1-2, сахифа – 33.]

Тасаввуфга доир китоблардан бирида орифга шундай таъриф берилган: “Ориф – яъни шуносандаҳ ва касе астки, ҳазрати илаҳий ўро ба мартабати шуҳуд зоти ва асмоъи худ расонида бошад. Ва ин мокоме ба тарики ҳол ва мукошифаҳ бар ў зоҳир гаштаҳ бошад”. [Сайд Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳоти орифон ва муттассавиф, ҳижрий-1339, сахифа – 283.].

Мазмуни: ориф – танигувчи кишидурки, Оллоҳ уни ўз зоти ва исмларини мушоҳада этиш мартабасига етказгандир. Ва у маънавий-рухий тажриба, илхом ва мушоҳада йўли билан илохий маърифатта эришиб, Аллоҳни кашф этгувчи зотdir.

Бошка бир китобда эса ориф донишманд, билгувчи, Ҳақ маърифатидан огоҳ, ҳақиқий маънода Одлоҳни танигувчи, маърифатни илхом ва ҳол билан кўлга киригувчи киши деб таърифланган[Мухаммад Муъмин. Фарҳанги форсий. ҳижрий-1382 , сахифа – 2260.]

Орифлар – Аллоҳни таниган, билган ва илохий маърифат завқи билан яшагани учун илм ва маърифатини кўз-кўз килишдан тийилган, сукутга мойнл, мушоҳададан тўхтамайдиган зотлар киёфасида шуҳрат қозонишган.

Навоийнинг ёзиши бўйича, “Орифлар кимлардур?”,- деб сўралганда, Шайх Музаффар Кирмоншохий Қирмисий “Ориф – қалбини Мавлосига, жасадини ҳалқига бағишилаган кишидир,-”[Алишер Навоий. МАТ. 2001, сахифа -154.] деб жавоб берган бўлса, Шайх Абулхайр Тайнотий

орифликни “Сўфийи ориф каромотдин яхшироқдур ва ул каромотнинг каромотидур” [Алишер Навоий. МАТ. 2001, саҳифа – 149-150].- деб эътироф этган экан.

“Насойим ул-мухаббат” асарида орифнинг ўзгалар сийратидан огоҳ бўлиш иктидори ва хеч бир бандага ҳасад қилмаслиги ҳамда сир саклаш малакасига доир шайхлар тилидан айтилган: “Ориф улдурки, сенинг сиррингдин сўз айтқай ва сен хомуш бўлгайсан” [Алишер Навоий. МАТ. 2001. Саҳифа – 154.], “Орифка сиррида бир кўзгу берибдурки, ҳар качон ул-кўзгуга бокса, Ани кўргай” [Алишер Навоий. МАТ. 2001, саҳифа – 69.]каби фикр-мулоҳазалар ҳам диккатга моликдир.

Алишер Навоий ҳам орифни сир одами сифатида қуёш нури сувини тошиrolмайдиган ёки зоҳиран ўзгариш сезилмайдиган азим дарёга қиёслайди:

Этур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ
Куёш акси тушуб дарё ичинда.
Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ [Алишер Навоий. МАТ. 1989, саҳифа – 512.].

“Насойим ул- мухаббат” асарида баён этилишича, Шайх Абу Исҳоқ Иброҳим Шахриёр Гозируннй орифлар маънавий камолининг нечоғли юксак даражага этиши уларнинг кўнгул кўзлари Ҳак жамолини канчалик равшан кўра олишига боғлик бўлишидан хабардор этиб: “Бу иш бир орифга мусалламдурки, кўнгли поклиги камолга етмиш бўлғай ва кўзи Ҳак субхону таолодан ғайрини кўрмакдин ёпилмиш бўлғай” [Алишер Навоий. МАТ. 2001, саҳифа – 154.],- деб айтган экан. Бирок, таъкидлаш жоизки, Оллоҳни кўнгул кўзи или кўриш ва мушоҳада этиш завқи хамма орифда ҳам бир хил кечмаган. Шунинг учун уларнинг Ҳақни англаш йўлидаги таассурот ва ҳоллари ҳам ҳар хил бўлган. Бир ориф “Хеч бир нарсани кўрмайманки, унинг ортида Оллоҳни кўрмасам”, деса, бошка бири “Хеч бир нарсани кўрмаганманки, унда олдин Оллоҳни кўрмаган бўлсам”, деган. Яна бошқаси, “Хеч бир нарсани кўрмаганманки, ундан олдин Оллоҳни кўрмаган бўлсам”, деса, навбатдагиси “Факат Оллоҳни кўраман”, деган. Шунингдек, “Ёлғиз Оллоҳ кўринади, У эса кўринмайдиган Оллоҳ эрур”, дегувчилар ҳам бўлган[Иброҳим Ҳаккул. Сўздаги ўзлик. 2013, саҳифа – 29.]. Бу беш тавр ташки борлиқдаги ҳоллар бўлиб, улар гоҳо фикрий қарама-каршиликларни ҳам юзага чиқарган. Навоий ҳам “Лисон ут-тайр” достонида буни таъкидлаб:

Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифат.
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.
Ҳар киши ўз таврида истаб камол,
Қилди водий тай қитурга шитигол [Алишер Навоий. МАТ. 1996, саҳифа – 225.], деган эди.

Мазкур достоннинг маърифат водийсига тегишли фил ва кўрлар хикоятига орифона нуқтаи назар билан ёндашганда, Ҳиндистон – Ҳак даргоҳини, кўзи ожизлар – ирфон сир-асоридан огоҳ бўла бошлаган толибларни тамсил этади, дейишга тўғри келади. Хўш, Филбон ким? Филбон уларнинг имоми, пири, шайхи ёхуд маърифат соҳиби – комил орифдир. Хикоятдаги “Маърифат тарики адосида муножот” бобидан келтирилган куйидаги мисралар мазкур фикрни кувватлайди:

Эй қилиб инсонни кони маърифат,
Кўнглини айлаб жаҳони маърифат.
Маърифат ҳар кимгаким қисм айлабон,
Даҳр аро ориф анго исм айлабон
Кимни айлаб маърифатқа муттасиф.
Айлабон ул хайл ҳолин муҳталиф [Алишер Навоий. МАТ. 1996, саҳифа – 285.]